

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларга “амнистия” эълон қилинди.

Ерларни қонунийлаштириш қандай асос ва тартибда кечади?

Раҳмонов Абдимўмин Қодирович
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси
Хуқуқий ахборот шўбаси бошлиғи

Жорий йилнинг 5 августида Президент томонидан “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди.

Қонунга асосан:

- 1) **2018 йил 1 май кунига қадар** фуқаролар якка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган **бино ва иншоотларга**;
- 2) **2018 йил 1 май кунига қадар** фуқаролар ва ташкилотлар томонидан хужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 3) “**бир марталик акция**” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 4) **2021 йил 8 июня** (ҳокимларнинг ваколати бекор қилингунига) қадар туман (шахар) ҳокимлари қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки ҳалқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;
- 5) **богдорчилик ва узумчилик ширкатлари** ҳудудидаги турар жойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;
- 6) **кичик саноат зоналари** ҳудудига **2020 йил 9 марта** қадар жойлаштирилган тадбиркорларнинг ер участкасига;
- 7) **давлат ордери** билан хусусийлаштирилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига нисабатан ҳуқуқлар эътироф этилиши белгиланди.

Бунда, ижара муддати якка тартибдаги **уй-жойлар** эгаллаган ер участкалари учун **тўқсон тўққиз** йил, **бошқа** ер участкалари учун **қирқ тўққиз** йил этиб белгиланмоқда.